



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 17 февраль, № 33 (6991) Шанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



БУХОРО:

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, иқтисодий-ижтимоий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида 16 февраль куни Бухоро вилоятига ташриф буюрди.



Давлатимиз раҳбари 2017 йил 10-11 март кунлари вилоятга ташрифи чоғида барча соҳаларни ривожлантириш бўйича кенг қўламли режаларни белгилаб берган эди. Ушбу топшириқлар ижроси доирасида улкан ишлар амалга оширилди. Янги sanoat қорхоналари, тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Маҳаллийлаштириш даражаси ва экспорт ҳажми ошди. Транспорт ва сервис инфратузилмаси ривожланиб, сайёҳлар оқими кўпайди. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаган имкониятлар ишга солинди. Янги уй-жойлар, ижтимоий объектлар бунёд этилди.

Шавкат Мирзиёев Бухоро вилоятига ташрифини Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси зиёратидан бошлади.

Ортимиз қадимий қадамларга бой. Бу заминда буюк алломалар, диний ва дунёвий илм эгалари яшаб, ижод қилган. Президентимиз томонидан миллий маданий меросимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш, юртимиздаги тарихий обида ва ёдгорликларни тиклаш, ўрганиш ва келажақ авлодларга етказиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 10 март куни Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасида бўлиб, бу ерни янада обод масканга айлантириш, зиёратчилар учун зарур шaroitлар яратиш борасида мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берган эди.

Президентимиз ўтган вақт мобайнида қилинган ишларни кўздан кечирди. Таомилга биноан ўтганлар руҳига Куръон тиловат қилинди.

Президентимизнинг 2017 йил 11 июлдаги «Абдуҳолик Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёрлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»-ги фар-

мойиши ижроси юзасидан тизимли ишлар олиб борилмоқда. Шавкат Мирзиёевга мазкур саналар муносабати билан амалга оширилаётган маънавий-маърифий, илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш бўйича «йўл харитаси» ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур тадбирларни юқори савияда ўтказиш, бунинг учун барча манбалардан фойдаланиш лозимлигини таъкидлади.

Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуҳолик Ғиждувоний, Ориф Ревғарий, Али Ромитаний, Бобой Самосий, Маҳмуд Фағнавий, Сайид Амир Кулол каби меъморий мажмуаларни ўз ичига олган етти пир зиёратгоҳи нафақат юртдошларимиз, балки бутун дунё мусулмонлари учун таварруқ масканлар ҳисобланади.

Президентимизга мазкур мажмуаларни реконструкция қилиш ва янги сайёҳлик йўналишларини очиш бўйича қилинадиган ишлар ҳақида маълумот берилди. Унга мувофиқ, бу мажмуалар қайта таъмирланиб, қўшимча бино ва иншоотлар қурилади. Атрофи ободонлаштирилиб, меҳмонхона, чойхона, савдо мажмуалари, автотураргоҳлар барпо этилади.

Мазкур мажмуалар ўртасидаги умумий масофа 122 километр. Шавкат Мирзиёев мажмуалар орасидаги йўллар бўйида замонавий инфратузилма ташкил қилиш бўйича кўрсатма берди. Бухоро давлат университети ҳузуринда Бухоро тарихини ўқитадиган махсус факультет очиш кераклигини таъкидлади.

— Етти пир ётган қадамжолар орасидаги йўллар бўйида улар ҳақидаги маълумотлар акс этсин. Зиёратга келганлар кенг маълумотга эга бўлсин. Бунинг учун кадрлар тайёрлашга эътибор бериш керак, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари

ташриф давомида Бухоро туманидаги «Бухоро балиқ sanoat» масъулияти чекланган жамиятида бўлди.

Мамлакатимизда аҳолининг балиқ маҳсулотларига эҳтиёжини таъминлаш, тармоқда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, мазкур соҳада фаолият юритаётган хўжалиқлар моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кейинги йилларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, жумладан, сифатли балиқ маҳсулотлари етиштириш ҳажминини ошириш бўйича бир қанча дастурий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 1 майдаги «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори қабул қилиниб, «Ўзбекистон аҳолиси» уюшмаси ташкил этилди. Уюшма томонидан табиий ва сунъий сув ҳавзаларини балиқлантириш учун қимматли балиқ турларини кўпайтиришни йўлга қўйишда балиқчилик тармоғи ташилотларига кўмаклашиш, личинка етиштириш бўйича янги инкубация цехлари ташкил этиш, балиқ чавоғи етиштириш ҳажминини кўпайтириш, чавоқ ҳовузларини модернизация қилиш ва кенгайтириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди.

«Бухоро балиқ sanoat» масъулияти чекланган жамиятида ҳам бу борода ибратли ишлар қилинмоқда. Бу ерда балиқни қайта ишлаш, дудлаш, балиқ озуқаси ишлаб чиқариш, инкубация цехи ва ёпиқ сув айланма тизими ишга туширилган.

Умумий майдони 90 гектар бўлган хўжалиқда 40 гектарлик сув ҳавзаси бўлиб, янги лойиҳага кўра, қолган 50 гектари реконструкция қилинади.

Президентимиз балиқчилик хўжалигида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

— Балиқ етиштириш

ҳажминини оширишимиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев. — Айни пайтда аҳолининг балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган талабини қондира олаётганимиз йўқ. Бу каби хўжалиқларни Бухоронинг ҳар бир туманида ташкил қилиш зарур.

Давлатимиз раҳбари Бухоро туманига ташрифи давомида бир қатор иқтисодий лойиҳалар билан ҳам танишди.

Маълумотларга кўра, собиқ «Бухоротекс» АЖ негизда пахта толасидан



компакт калава ип ишлаб чиқариш бўйича «Indogama Bukhara Textile» хусусий қорхонасини ташкил этиш лойиҳаси икки босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда 60 миллион, иккинчи босқичда 55 миллион доллар миқдоридан инвестиция киритиладиган қорхона замонавий технологиялар билан жиҳозланади. Бу 650 кишининг бандлигини таъминлаш имконини беради.

Президентимизга Бухоро вилоятида мавжуд айловлардан самарали фойдаланиш тўғрисида ҳам маълумот берилди. Ушбу маълумот ўз-ўзидан вилоятда қоракўлчиликни ривожлантириш лойиҳасига уланди. Вилоятда азалдан қоракўл-

чилик ривожланган. Лекин сўнгги йилларда соҳага етарлича эътибор берилмагани сабабли қоракўл тери ишлаб чиқариш кескин пасайди. Соҳадаги мавжуд муаммолар ҳақида батафсил маълумот берилар экан, илмий ёндашувнинг йўқлиги боис кўйларнинг насли бузилгани қайд этиб ўтилди. Бундан ташқари, яйловларнинг қисқариши, суғориш тизимларидаги камчиликлар, зарур техника воситалари йўқлиги асосий омиллар сифатида санаб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари муаммоларнинг ечими билан қизиқди. Мутахассислар қоракўлчиликни ривожлантириш бўйича ўз таклифларини айтди.

Шавкат Мирзиёев айти пайтда фаолият юритаётган хўжалиқлар, олимлар, селекционерларни қўллаб-қувватлаш бўйича соҳа раҳбарларига тегишли кўрсатмалар берди.

Шу ерда «Komteks prosh» МЧЖ томонидан кўй хунини sanoat усулида қайта ишлаш кластери тақдимоти бўлиб ўтди. Лойиҳа қиймати 24 миллиард сўм бўлиб, йилга 1500 тонна тозаланган жун, 425 тонна тайёр калава ип, 100 минг дона одеял ишлаб чиқаришни кўзда тутди.

Шунингдек, 2018 йилда вилоятда амалга оширилаётган паррандачилик лойиҳалари тўғрисидаги маълумот тақдим қилинди. Бу йўналишда 32 та лойиҳа амалга оширилиб, 252 иш ўрни яратилди.

Лойиҳалар, асосан, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, истиқболли мақсадларни ўзида акс эттиргани билан ахамиятлидир. Пилла етиштириш, асаларичи-

Мирзиёев. — Сабаби, унинг ноёблиги ва инсон саломатлиги учун гоёт фойдалидир.

Лойиҳа бўйича ишлар бошлаб юборилган. Маҳсулот 2019 йилдан экспортга чиқарилиши мўлжалланмоқда.

Цистанхе ва исериқ етиштиришга алоҳида эътибор берилгани вилоятда ўзига хос янгилик бўлди. Цистанхе илдизи доривор ҳисобланиб, хавфли ўсма касалликларининг олдини олади. Шамоллашга қарши, иммунитетни оширувчи хусусиятга эга. Япониялик олимларнинг таъкидлашича, бу ўсимлик женьшендан беш баробар самарали ҳисобланади. Ҳозирги вақтда Қозғоғистон Марказий Осиёда бу ўсимлигини экспорт қилувчи ягона давлат бўлиб, йилга 100 — 150 тоннагача хорижга сотади. Янги лойиҳада мазкур ўсимликни етиштириш ва қайта ишлаш кўзда тутилган. 3 минг гектар ерда шундай ўсимлик етиштириш 400 кишининг бандлигини таъминлайди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарига 2018 — 2020 йилларда вилоятда ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш дастури, Бухоро шаҳрида реконструкция қилинаётган каналлар ҳақида маълумот берилди.

Президентимизнинг 2017 йил 1 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорини Бухоро вилоятида бажариш чоралари тўғрисида ҳам сўзлаб берилди. Жумладан, аҳолига сифатли гўшт етказиб бериш, чорвачиликда қўлланиладиган вакцина ва антибиотиклар,

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БИР-БИРЛАРИНИ ҚУТЛАДИЛАР

2018 йил 16 февраль куни Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил тўлиши муносабати билан икки давлат раҳбарлари бир-бирларини қутладилар.

Қирғизистон Президенти Сооронбай Жээнбековнинг қутлов мактубида «Кўп асрлик анъанавий ўстлик, яхши қўнчилик, қардошлик алоқалари, шунингдек, маънавий ва маданий қадриятлар муштараклиги бугунги Қирғизистон — Ўзбекистон муносабатларининг мустаҳкам асосидир», деб қайд этилган.

«Қирғизистон — Ўзбекистон давлат чегаралари тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши, айрим назорат-ўтказиш пунктларидаги чекловларга барҳам берилиши, савдо-иқтисодий ҳамкорликка жадал суърат бахш этишга хизмат қилган ўзаро қатъий сиёсий ирода туфайли 2017 йил Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро муносабатлар ривожига тарихий йил бўлди, — деб таъкидланади қутловда. — Натижада мамлакатларимиз бугунги кунгача санини нафақат дўст давлатлар, балки стратегик шерик ва яхши қўнчилар сифатида ҳам нишонламоқда».

Сооронбай Жээнбеков сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, давлат чегараларини юридик жиҳатдан узи-көсил расмийлаштиришни жадаллаштириш, чегараолди ҳамкорлик, сув-энергетика соҳасидаги ўзаро алоқаларни фаоллаштириш, мамлакатларимиз транзит салоҳиятини самарали фойдаланиш ва Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш бўйича қўша режалар қардош халқларимиз манфаати йўлида амалиёт-

га жорий этилишига ишонч билдирган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўз қутловидан «Сиёсий ирода ва аниқ амалий қадамлар туфайли икки томонлама муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтариб, ўзаро ишончга мустаҳкам замин яратдик», деб таъкидлайди чуқур мамнуният билан. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихида янги саҳифа очган ва ўтган йилги муваффақиятли амалга оширилган олий даражадаги уч ташриф шундан далolat беради.

«Товар айирбошлаш кўрсаткичлари жадал ўсиб, ишлаб чиқариш кооперацияси кенгайиб бормоқда. Узоқ йиллар мобайнида илк бор sanoat кўргазмалари ва бизнес-форумлар ўтказилди», дейилади қутловда.

«Икки давлат ҳудудлари даражасида узоқ истиқболга мўлжалланган ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик механизmlари ишга туширилди. Маданий-гуманитар аламушуви сезиларли равишда фаоллашди, Қирғизистонда Ўзбекистон маданияти ва санъати кўнлари, шунингдек, ушбу соҳада қатор қўша тадбирлар ўтказилди. Энг муҳими, буларнинг барчаси халқларимиз манфаати ва орзу-истакларига тўла ҳам-оҳанг бўлиб, Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда», деб таъкидлаган Президентимиз.

Ў.А.

Парламент дипломатияси фаоллашмоқда

Хорижий сиёсатшунос экспертларнинг фикрича, Марказий Осиёда кичика мuddат мобайнида мутлақо янги сиёсий муҳит шаклланди. Ўзбекистон томонидан Ҳаракатлар стратегияси асосида қўйилган оқилона қадамлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий мулоқот доирасида дунёнинг кўплаб давлатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш имконини берди.

СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ

Олий даражадаги мунтазам учрашувлар, шунингдек, савдо муносабатларининг фаоллашуви мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ҳурмати янада орттиришга, фаровонлик қадимлари ва турмуш сифатини янада юксалтиришнинг муҳим омиллари сифатида қўрилмоқда. Бу вазифаларни ҳал қилиш механизmlаридан бири қатор мамлакатлар билан кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича «йўл хариталари»ни ўз вақтида ва сўзсиз бажаришдан иборат. Бунда давлатимиз имиджини юксалтириш, туристик ҳамда инвестициявий салоҳиятини намойён этишга жиҳдий эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқаларни ривожлантириш масаласи айрим вазирлик ва идораларнинг алоҳида ваколати бўлмади қолди. Бу умумийлик вазифа бўлиб, уни ҳал қилишда парламент дипломатияси, бошқача айтганда, халқ дипломатияси катта ўрин тутди.

Иқтисодий ривожлантириш, товар айланишини ошириш, иш ўринларини ташкил этиш аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини янада юксалтиришнинг муҳим омиллари сифатида қўрилмоқда. Бу вазифаларни ҳал қилиш механизmlаридан бири қатор мамлакатлар билан кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича «йўл хариталари»ни ўз вақтида ва сўзсиз бажаришдан иборат. Бунда давлатимиз имиджини юксалтириш, туристик ҳамда инвестициявий салоҳиятини намойён этишга жиҳдий эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқаларни ривожлантириш масаласи айрим вазирлик ва идораларнинг алоҳида ваколати бўлмади қолди. Бу умумийлик вазифа бўлиб, уни ҳал қилишда парламент дипломатияси, бошқача айтганда, халқ дипломатияси катта ўрин тутди.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

БУХОРО: ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Президентимизнинг 2016 йил 29 декабрдаги «2017 — 2021 йилларда мактабгача таълим тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида мамлакатимизда бундай муассасалар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги боғчалар куриши ишлари амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизimini бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан эса Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Янги вазирликнинг асосий вазифалари бошқарувида бўлган барча болаларни мактабгача таълим тизимига қамраб олиш, юртимизда ўзаро рақобат қилувчи давлат ва нодавлат МТМлари тармогини яратиш, мактабгача таълим ва болаларни тарбиялашнинг муқобил шакллари амалийта жорий этишдан иборат. Мазкур ҳужжатлар ижроси юзасидан Бухоро вилоятини ҳам кенг қўллаш ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда вилоятда 343 мактабгача таълим муассасаси мавжуд бўлиб, уларнинг 7 таси нодавлат, 1 таси ички ишлар бошқармаси таърифиди. Уларда 46 мингдан зиёд, яъни вилоятдаги болалар-

нинг 35,1 фоизи таълим-тарбия олмақда. Бухоро шаҳридаги 54-мактабгача таълим муассасаси 280 ўринга мўлжалланган. Боғча биноси ўтган йилги капитал реконструкция қилиниб, замонавий жиҳозланди. Бу ерда 31 нафар педагог ва тарбиячи фаолият кўрсатади. Давлатимиз раҳбари боғчада болаларга яратилган шароитлар билан танишиди, ходимлар билан мулоқот қилди. Президентимизга боғчада таълим тарихини ташкил этилган қисқа муддатли бошланғич ривожлантириш маркази фаолияти ҳақида маълумот берилди. Янги тизимнинг афзаллиги қисқа муддатли гуруҳларда болаларга мантиқ, ментал арифметика, инглиз тили, амалий ва таъсирли санъат турлари интерфаол усуллари ўргатилади. Марказ ҳудуддаги боғчага қамраб олинмаган болаларни мактабга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. — Мактабгача таълимга бежиз бунчалик эътибор қаратаётганимиз йўқ, — деди Шавкат Мирзиёев. — Болалар айни боғча ёшида билимни тез ва осон ўзлаштиради, бир умрга эслаб қолади. Шунинг учун ушбу тизим ривожини билан боғлиқ масалалар доим диққатимиз марказида бўлиши керак. Президентимиз мазкур муассаса-

ни вилоятдаги боғчалар учун методик таъриба алмашиш марказига айлантириш, соҳани етук мутахассислар билан таъминлаш, хусусан, педагогика коллежини тугатган ёшларни қайта тайёрлов курсларига юбориб, уларни МТМларга ишга жойлаштириш юзасидан топшириқлар берди. Шавкат Мирзиёев Бухоро шаҳрининг тарихий қисмида вилоятда туризм соҳасини янада ривожлантириш концепцияси асосида амалга оширилаётган ишлар билан танишиди. Бухоро ўзининг бетакор тарихий обидалари, осориётқалари, асрлар оша давом этиб келаётган миллий хунармандлик анъаналари билан юртимиз туристик жозибадорлигини оширишда улкан салоҳиятга эга. Вилоятда 2018 йилда туризмни янада ривожлантириш концепциясига мувофиқ, 61 лойиҳани ҳафта татбиқи этиш кўзда тутилган. Жумладан, 32 меҳмонхона, 12 motel, 10 истирожат боғи барпо этилиб, «Бухоро Палас», «Варахша» ва «Зарафшон» меҳмонхоналари реконструкция қилинади. Бундан ташқари, туризм бўйича халқроқ ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, ресторандлар куриши, сайёҳларга хизмат кўрсатувчи транспорт воситалари харид қилиш, маданий мерос объектларини таъмир-қорларга ижарага бериш, ҳаво шаридида саёҳатни ташкил қилиш, Гиждувон,

Шофиркон, Вобкент ва Жондор туманларида қишлоқ туризмни йўлга қўйиш режалаштирилган. Ушбу лойиҳалар ижроси натижасида вилоятга келаётган хорижий ва маҳаллий сайёҳлар оқими сезиларли даражада кўпайтиришга эришиш мумкин. Тармоқда хизматлар экспорти ҳажми ортиб, кўплаб янги иш ўринлари ташкил этиш имконияти пайдо бўлади. Давлатимиз раҳбари вилоятга ўтган йилги ташрифи чоғида Бухоро шаҳрининг сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида унинг тарихий қисмида хунармандлар мавзеси куриши, Ҳақиқат ва Ҳўжа Нуробод кўчаларини кенгайтириб, сайёҳларга айлантириш, Пойи Калон ва Мир Араб мадрасаларини қайта таъмирлаш бўйича топшириқлар берган эди. Шунга мувофиқ, Ҳақиқат кўчаси кенгайтирилиб, 1,5 метр қалинликдаги тўроқ қатлами олиб ташланди, тарихий обидалар атрофи очилди. Кўча бўйлаб биринчи қаavatида дўкон ва устаноналар бўлган, иккинчи қаavatида хунармандлар оилалари яшайдиган уйлар куришга киришилди. Натижада кўча шаҳарнинг тарихий қисми монанд сайёҳларга айланиб бормоқда. Вилоятга келаётган сайёҳлар бу ерга ҳам ташриф буюриб, устанонамандлар иши билан танишмоқда, ипак гиламлар, қашталар, зар-

боф тўнлар, турли кийим-кечак, уй-рўзгор буюмлари, сувенирлар ҳавриқилиб, Бухоронинг қадимий доврғиди дунёга янада кенг ёйишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Жорий йилда Пойи Калон мажмуасидаги тарихий обидаларни таъмирдан чиқариш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилди. Ҳўжа Нуробод кўчасида жойлашган Абдулазимзоҳ ва Улуғбек мадрасаларида таъмирлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилади. Арқ кўрғони мажмуаси атрофи ободонлаштирилиб, унинг ичкарасидаги бино ва иншоотлар таъмирланади. Мир Араб мадрасасини қайта тиклаш ва унинг янги ўқув биносини куриш ишлари олиб борилади. Шу кўчанинг ўзида хунармандлар растаси қурилади. Шавкат Мирзиёев эски шаҳар қисмининг туризм инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари билан танишар экан, ушбу ҳудуд том маънода Бухоронинг юраги бўлиши кераклигини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарига шаҳарнинг тарихий қисмидаги маданий мерос объектларини таъмирлаш ва тиклаш, улардан самарали фойдаланиш, тарихий обидаларни қамраб олган Бухоро шаҳар кичик ҳалқа йўли ҳамда пийдалар йўлакларини куриш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини реконструкция қилиш, Ташки иқтисодий фаолият миллий банки томонидан

мамлакатимизда замонавий кинотеатрлар тармогини барпо этиш лойиҳалари ҳақида маълумот берилди. Президентимиз ҳар бир лойиҳа юзасидан ўз тақлиф ва тавсияларини берди. Мир Араб мадрасаси бино ва иншоотлари, туристларга хизмат кўрсатувчи автоуловлар, инфратузилма объектларини кўздан кечирди. Шу кунги Пешку тумани ҳокимлигида вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Бухоро вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси ва уларни иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбарининг Бухоро вилоятини ташрифи давомида кўздан кечirilган истиқболли лойиҳалар, бўлиб ўтган учрашув ва суҳбатлар Фаол тadbиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида янги марралар сари дадил қадамлар қўйилиб, аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим ютуқлар қўлга киритилётганининг яна бир ёрқин тасдиғи бўлди. Президентимизнинг Бухоро вилоятини ташрифи давом этмоқда.

У.А.

Сардор УРМОЧОВ олган суратлар.

Мактабгача таълим тизimini такомиллаштириш — бугуннинг долзарб вазифаси

Халқимиз фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик билан муносабатда бўлади. "Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она", "Фарзанд азиз, одоби ондан азиз" деган нақллар замонида ҳам уларнинг тарбияси нечоғли муҳим эканлиги ифодаланган. Ушбу жиҳатлар бугун давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислохотларда ҳам ушбу ифодасини топаётганлиги янада эътиборлидир.

МУНОСАБАТ

Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан фарзандларни болалар боғчасига қамраб олиш, улар учун замонавий мактабгача таълим муассасалари бунёд этишга оид ислохотлар ошарилади, кенг жамоатчилик томонидан мамнуният ила қабул қилинди. Бинобарин, Юртобшммиз раислигида 14 февраль кўни мактабгача таълим тизimini ислох қилиш ва ривожлантириш бўйича курилайотган чора-тадбирлар натижадорлиги таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилгани бу борадаги ишларнинг қанчалик долзарб эканлигини тасдиқлайди. Давлатимиз раҳбари ёш авлод тарбиясининг биринчи ва муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тизimini ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади. 2017 йил 16 август ва 19 октябрь кунлари бўлиб ўтган йиғилишларда мазкур масала атрофида муҳима қўрилган эди. 2017 йил 30 сентябрда Президентимиз томонидан

мактабгача таълим тизimini давомидидаги туб ўзгаришлар болаларнинг соғлом ва баркамол бўлиб улғайишига хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг парламентга Мурожаатномасида ҳам таъкидланганидек, 2017 йилда янги таълим муассасаларини куриш, мавжудларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада 107 та мактабгача таълим муассасаси реконструкция қилинди ва курилди, 195 та боғча капитал таъмирланди. 2018 йил 1 январдан бошлаб, 5 йил давомида инвестиция шартларини бажариш шarti билан "ноль" қийматида биноларнинг берилиши ҳамда хусусий инвесторларнинг ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган биноларда ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг 2023 йил 1 январгача фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ учун тўловини 50 фоизи Давлат бюджети ҳисобидан қопланиши, боғчаларда болаларни соғлом овқатлантириш ҳамда уларга берилаятган озик-овқат маҳсулотлари сифатини таъминлаш мақсадида 2018 йилдан бошлаб ҳар бир мактабгача таълим муассасасига 10 — 15 нафар фермернинг сифати озиқ-овқат маҳсулотларини арзон нархларда етказиб бериш учун бириктирилиши, болалар боғчаларига тайёр

сифатли иссиқ овқат етказиб берадиган давлат корхонаси ташкил этилиб, "Кетринг" хизматини йўлга қўйиш механизмининг ишлаб чиқиши, биринчи навбатда, мактабгача таълим тизimini фаолиятини тубдан ўзгартирса, иккинчидан, болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига қамровини кескин ошириши табиий. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати бўлиб, ўз ҳаётида хунармандлик ривожлантиришининг энг муҳим вазифаларини ҳал қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш юзасидан ўрганишларини давомидида бу борада амалга оширилайотган ишларга эътибор қаратади, унда айрим муаммолар ҳам мавжудлиги қайд этилди. Антикланган муаммоларни бартараф қилиш, мазкур масалада вилоят, шаҳар, туман мактабгача таълим бўлими масъулиятини ошириш, мактабгача ёшдаги болалар қамровини кенгайтириш, нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил этишда парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш, мактабгача таълим масканларини аттестация ҳамда аккредитация қилиш жараёнида соддалаштириш, соҳанинг нор-

матив-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим тизimini нодавлат секторни ривожлантириш, давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим муассасаларини шакллантириш механизмларини изчил татбиқ этиш, "Мактабгача таълим тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тайёрлаш, айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан аниқ тақлиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди. Мазкур тизимда кадрларга бўлган эътиб жавд муаммолардан бири эди. Ўзбекистондаги мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритиб келатган 60 минг тарбиячиларнинг аттиги 21 фоизи олий маълумотли, 79 фоизи эса ўрта махсус маълумотга эга. Қайд этилганидек, ўрганишлар келгуси 3 йилда мактабгача таълим тизимда 47 минг 300 дан зиёд олий маълумотли педагог кадрлар, жумладан, 28 минг 300 нафар тарбиячи, дефектолог, психолог, мусиқа раҳбарига эътиб жавд бўлишини кўрсатган. Шу боис 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасаларида "Мактабгача таълим" йўналишида кундузги шаклда 3 йиллик бакалаврлар тайёрлаш тизimini жорий этилади. Бунда илғор хорижий таъриба, жумладан, Жанубий Кореянинг етакчи университетлари таърибаси асосида янги ўқув режаси ва дастурлари ишлаб чиқилади. Бундай чора-тадбирлардан қўзланган мақсад фарзандларимизни баркамол этиб тарбиялашдир.

Парламент дبلوماسية фаоллашмоқда

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Парламентларо мулоқот мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда қўлай муҳитни шакллантириш, ўзаро ишончли юксалтириш, ҳамкорликнинг ҳуқуқий негизини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Айнан шу омил давлатлар ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга замин яратди. Бу йўналишда Германия, Буюк Британия, Бельгия, Канада, Япония, Корея Республикаси, Италия, Франция, Болгария, Латвия каби мамлакатлар билан ҳамкорлик бўйича парламентларо гуруҳлар тузилди. Утган йили Ўзбекистон ўзининг Парламентларо иттифоқдаги аъзоллигини тиклади, бу эса кенг доирадаги масалалар бўйича самарали ҳамкорлик борасида қўшимча имкониятлар яратди. Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, мамлакатимиз халқаро нуфузини мустаҳкамлаш соҳасида тизимли парламент нозоратини ўрнатish халқ вакиллари олдида турган долзарб вазифалигача қўймоқда. Олий Мажлиси парламентларо ҳамкорликка янги, прагматик мазмун ва аҳамият бахш этишга интилоқда. Бунда парламент ҳамкорлиги механизмлари парламент мулоқотини йўлга қўйиш, таъриба алмашиш, ҳажон жамоатчиликнинг Ўзбекистоннинг ички ҳамда ташқи сиёсатидан, мамлакатимизнинг бой маънавий ва маданий меросидан, юртимизда олиб борилаётган ислохотлардан хабардор қилиш вазифалари билан чекинб қолмайди. Парламентларо мулоқот минтақавий алоқаларни, савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантиришнинг, инновацион тараққиёт, таълим, туризм каби йўналишларда таъриба алмашишнинг самарали воситасига айланади. Ҳамкорликни ва парламентларо алоқаларни кенгайтириш делегациялар алмашишда, қўшма лойиҳаларни амалга оширишда, халқаро миқёсдаги таърибларни ўтказишда кўмак беради. Масалан, бу йил Олий Мажлиси Сенати томонидан Россия Федерацияси Федерация Кенгаши билан ҳамкорликда Тошкентда Минтақалар форумини ўтказиш режалаштирилган. Бу савдо-иқтисодий, инновацион ва маданий-гуманитар соҳаларда мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли соҳалар сонини ошириш имконини беради. Шунга ўхшаш ишлар қозғолтислиги ва киргизистонлик ҳамкасблар билан ҳам олиб борилаётган. Умуман, Парламентларо мулоқот механизми хавфий зарурат экани ўз тасдиғини топди, айни вақтда парламент дипломатияси серкира мазмунга эга бўлиб, фуқаролик жамиятининг хоҳиш-иродасини самарали ифода этмоқда, халқаро мулоқотни ривожлантиришда давлатнинг тенг ҳуқуқли ҳамкори бўлиб қолмоқда. Бизнингча, қонун ижодкорлиги соҳасида мамлакатлар ҳамкорлиги қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал қилишда ишончли алоқаларни қўллаб-қувватлашга салмоқли ҳисса қўшади.

Алишер КУРМАНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси.

Ўқувчилар учун бепул китоблар

Ақл-идрок ва илму донишнинг асоси — китоб. Бунёдкорлик ҳамда яратувчиликнинг қалити ҳам унда. Энг муҳими, китоб ўқиган одам ўзини, улуғини англайди, тугилиб ўсган юртини қадрлайди.

АКЦИЯ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Тошкент вилоятининг Куйи Чирчиқ туманидаги бир қатор умумий ўрта таълим мактабларида ўтказилган "Китоб — саодатга элтувчи йўл" мавзусидаги тадбирларда ана шу хусусида сўз борди. Жумладан, ёш авлод вакиллари билан учрашувларда китоб ва муролаанинг ҳаётимизда тугатган ўрни, инсон дунёқарашини шакллантириши, Ватанга, халққа муҳаббат ҳамда садоқат туйғусини камол топтириши алоҳида таъкидланди.

Тошкент — Андижон — Ўш — Ирқиштом — Қошғар:

ЮК ТАШИШ МУДДАТИ ЎН КУНДАН ИККИ КУНГА ҚИСҚАРАДИ

Утган йилнинг 11 — 13 май кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи ҳамда Киргизистон Республикаси Президентининг 5-6 октябрда мамлакатимизга ташрифи доирасида Тошкент — Андижон — Ўш — Ирқиштом — Қошғар автомобиль йўлининг очилиши хусусида ҳужжатлар имзоланган эди.

БРИФИНГ

Ушбу келишувлар асосида 30 октябр — 3 ноябрь кунлари уч давлат томонидан ажратилган автотранспорт воситалари иштирокида таъриба сифатида дастлабки қатнов амалга оширилди. Умумий узунлиги 920 километрик масофа 31 соат давомида босиб ўтилган бўлса, шундан 16 соати ҳаракатга сарфланди. Автотранспортлар тезлиги эса ўртача соатига 50 — 60 километрни ташкил этиди. Кеча пойтахтимизда Ташқи савдо вазирлиги томонидан уюштирилган брифингда ана шулар хусусида маълумот берилди.

ва дарё транспорт агентлиги бошлиғи ўринбосари Шоолим Шоваҳобов ва бошқалар бу йўналиш ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, молия, транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш, Марказий Осие бўйлаб юк ташвиш ҳажминини оширишга хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эгаллигини алоҳида таъкидлади. Киргизистоннинг Сари-Тош кўрғони ва Ирқиштом довоини орқали ўтувчи мазкур йўналиш Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги энг қисқа автомобиль йўли ҳисобланади. Яқинда янги транспорт йўлаги орқали экспорт-импорт юкларини ташвиш билан шуғулланувчи масъулияти чек-

ланган жамият шаклидаги "Silk Road International" қўшма корхонаси фаолияти йўлга қўйилгани эса таъриборларимизга янада қўлайлик яратмоқда. Сабоби мазкур жамият томонидан биринчи босқичда 80 та юк автомобиллари ҳаракатга чиқарилади, йили охирига бори эса улар сони 200 тага етказилади. Талаб ва тақлифга кўра, автотранспортлар сони бундан-да кўпайтирилиши мумкин. Мазкур чора-тадбирлар натижасида йил охиригача 100 минг тонна юк ташилиши кутилапти. Айтиш жоизки, янги маршрут ҳозирданқоқ миҳозларни ўзига жалб қилмоқда. Уч ой мобайнида 27 минг тонналик тўқимачилик, чарм-аторлик, қишлоқ ҳўжалиги ҳамда электротехника маҳсулотлари ташвиш учун буюртмалар тушгани фикримиз тасдиқидир. Албатта, ишбилармонликда вақт катта аҳамият касб этади. Шу маънода, юклар ушбу йўналишда аввалги 8 — 10 кун ўрнига 2 кунда, тезкор ҳолатда, зарурат туғилганда эса, ҳатто бир кун ичида ўз манзилга етказиб қўйилиши айни мудидадир. Шу билан бирга, ташвиш хизматла-

К. ЖУМАНИЕВОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Ўзбек спорти жамоатчилик фикрини ўрганиш асосида ривожлантирилади

Спорт — соғлом турмуш қадроти. Қолаверса, мамлакат имиджини халқаро майдонларда оширувчи восита ҳамдир. Шу боис бугун юртимизда мазкур соҳани янада ривожлантириш чора-тадбирлари куриляпти.

ТАДБИР

Президентимизнинг 2017 йил 15 февралдаги Фармониға биноан, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ташкил қилинган эди. Давлатимиз раҳбари кейинчалик тизим муассадилари билан мулоқотларда спорт соҳасидаги муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш

йўлиларини излаш, кенг жамоатчилик фикрини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш заруриятини таъкидлаганди. Бирок, ордан шунча муддат ўтганига қарамай, бу йўналишда "пичоққа илинадиган" бирор жиддий ташаббус амалга оширилмади. Ана шу ҳолатлар инобатта олиниб, Жис-

моний тарбия ва спорт давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигиға айлантирилди. Унинг раҳбариятига соҳани қўйиладан бошлаб ривожлантириш вазифаси юклатилди. Айни пайтда республикаимизда жисмоний тарбия ва спортни янада тараққий топтиришга қаратилган ҳўжат лойиҳаси тайёрланмоқда. Уни такомилли мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёев кўрсатмасидан келиб чиққан ҳолда, пойтахтимизда спорт федерациялари, ҳудудлардаги спорт бошқармалари, мураббийлар, спортчилар, умуман, кенг спорт жамо-

атчилигининг муносабатини ўрганишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О. Муродов, жисмоний тарбия ва спорт вазир Ш. Исроилов, Миллий олимпия қўмитаси президенти У. Аҳмаджонов ва бошқалар республикаимизда оммавий спортни ривожлантириш, иқтисодли спортчиларни таллаш ҳамда тарбиялаш, соҳани маънавий кадрлар билан мустаҳкамлаш ва замонавий спорт иншоотларини барпо этиш хусусида сўз юритди. Ҳозирги шиддатли замон кўлга кири-

тилган ютуқларга маҳлиё бўлиб қолмай, янада изланиш ва янгича ёндашуларини жорий қилишни тақозо этмоқда. Шу маънода, ишлаб чиқилаётган ҳўжатда тизимдаги муаммоларни тўлиқ бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар белгилини зарур. Йиғилишда спорт федерациялари, ҳудудлардаги спорт бошқармалари вакиллари, мураббийлар, спортчилар тизимдаги огриқли масалалар ҳақида фикр юритиб, тақлифларини билдирдилар.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ.

Қуръон қалбларга нур олиб киради

Президентимизнинг 2017 йил 1 сентябрь куни Хазрати Имом мажмуасида давлат, жамоат, ёшлар ташкилотлари вакиллари ва диний соҳа ходимлари билан бўлиб ўтган учрашувда берган кўрсатмалари асосида мамлакатимизнинг барча ҳудудида "Ўзбекистон Қуръон мусобақаси" ўтказилмоқда. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон АЛИМОВ ушбу тадбирни ташкил этишдан кўзланган мақсадлар, унинг маънавий-маърифий ҳаётидаги аҳамияти ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

МАЪНАВИЯТ

— Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Ҳақиқатан, Қуръони карим инсонларни тўғри йўлга бошлайдиган, ақл юргизиш, тафаккур қилиб ўқилса, ҳаёқатга чорлайдиган муқаддас китобдир. Зеро, Қуръони каримда: **"Албатта, бу Қуръон энг тўғри йўлга ҳидоят этув ва эзгу ишларни қиладиган мўминларга катта мукофот борлиги ҳақида баърафат берув"** ("Исро" сураси, 9-оят) деб марҳамат қилинган. Инсон Қуръони карим оятларини ёд олгани сари рўҳи энгиллашди, қомилликка етишиш бораварида. Пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам Қуръони каримни ўқиган, ёд олган ва бошқаларга етказган кишиларни инсонларнинг энг яхшиси деб таърифлаганлар. Бир ҳадиси шарифда: "Сизларнинг ахширларингиз Қуръонни ўқиб, сўнг уни (бошқаларга ҳам) ўргатувчилардир" (Имом Бухорий), деб баён қилинган.

Қуръон муқаддас китоб, ўхшаш йўқ, тенгсиз бир илоҳий мўъжизадир. Бу буюқ Китобнинг қалималари замирида ўта тере мано-маъно борлиги, шунингдек, ҳар қайси инсон Қуръони каримнинг оятларини эшитган пайтда беихтиёр унга қўлоқ тутиб қолиши, бутун вужуди билан берилиб тинглаши — буларнинг барчаси ушбу улуг Китоб бутун оламларнинг яратувчиси бўлмиш буюқ Аллоҳнинг илоҳий сўзи эканига яна бир далилдир.

Юртбошимиз ташаббуси билан Қуръон мусобақаси ўзгача руҳда, қўтаринки кайфиятда, оммавий тарзда ўтказилмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, Қуръони каримни ёдлаш, тинглаш ва англашда ҳикмат кўп. Президентимиз таъбирлари билан айтганда: "Қуръонни эшитиш, эшити олиш — юксак маънавият, маърифат. Қуръон ҳеч қачон ёмонликка даъват қилмайди. Агар Қуръони каримни эшитсан олсан, эшиттирсан олсан, бу муваффақият бўлади. Элимизга нур келди".

Қуръон мусобақасини ташкил этишга жиддий тайёргарлик қўрилди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан Қуръони карим мусобақасини ўтказиш бўйича таъкидлий ҳайъатнинг ишчи йиғилишларида амалга оширилган зарур бўлган вазифалар белгиланган. Қуръони карим мусобақасини ўтказиш бўйича Низом, ташкилий ҳайъат йўриқномаси, баҳолаш меzonлари ва мусобақани ўтказиш бўйича чора-тад-

бирлар режаси ишлаб чиқилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар босқичларида ташкилланган 22 нафар ҳакам учун ўн кун давомида Ўзбекистон мусулмонлари идорасида ўқув машғулотлари олиб борилди. Улар етук уламолар ва мутахассислардан мусобақани юқори даражада ташкил этиш, иштирокчиларни адолат ва шафқат билан баҳолаш бўйича маърузалар тинглади. 2018 йил 4 — 15 январь кунлари жойларда қатнашчилар сараланди. Ҳар бир ҳудуддан 18 — 25 ва 26 — 40 ёш тоифаларида эркаклар ҳамда аёллар бўлиб, жами 5366 нафар иштирокчи рўйхатга олинди. Улар икки йўналишда, яъни "Ҳифз" (тўлиқ ёд олган) ва "Тиловат" (қисман ёд олган) бўйича беллашмоқда.

Ўзбекистон Қуръон мусобақаси "ўз босқичи бўлиб, унинг биринчи — туман-шаҳар (саралаш) босқичи қўрилди. Шу кунларда мусобақанинг иккинчи, яъни вилоят босқичи Жizzзах вилоятининг Зомин туманидаги "Маърифатли" жоме масжидида бўлиб ўтмоқда. Таъкидлаш жоизки, мусобақанинг илк босқичи ҳам айнан шу масжидда юқори даражада бошланган эди. Навбатдаги — вилоят босқичи ҳам мазкур ҳудуддан бошлашга қарор қилинди. Иккинчи босқичга жами 324 нафар қўри йигит-қиз йўналишда олиниди. Мусобақа жараёнини диний идоранинг muslim.uz сайти орқали онлайн кузатиб, қалбларни илоҳий қалом зиёси билан тўлдириб беришга чорлаймиш.

Қуръон мусобақасига қизиқиш қай даражада экани ҳаво совуқ бўлишига қарамай, тўп-тўп бўлиб келган, тадбирни кузатган юртдошларимиз юз-кўзида яққол кўринди. Мана шундай файзу барокотли кунлардан мамнун бўлган ҳамюртларимиз кўлларини дуога кўтариб, унинг шукронаси учун яратган Парвардигоримизга ҳамду санолар айтишмоқда, бу ишга ташаббусқор бўлган давлатимиз раҳбари, ташкилий ишларга бош мутасаддилар ва муҳтарам уламоларимиз ҳақида дуолар қилишмоқда. "Кўпнинг дуоси кўл бўлади", деганларидек, ана шундай ҳайроли ва фазилатли танловлар ўтаётган юртимизга яхшиликлар уруғи ёғилиб, кунларимиз бундан-да нурафшон бўлажак, иншооллоҳ.

"Халқ сўзи" мухбири Дилшод КАРИМОВ эътибор билан.

ФАН ВА АМАЛИЁТ

Юртимиз қишлоқ ҳўжалигида жадал ислохотлар, ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Камҳосилли қўш, бошоқли дон экин майдонлари қисқартирилди, 66 та туманда пахта етиштириш тугатилди, улар ўрнига мева-сабзавот, узум, поллиз ва ички бозорга мўлжалланган ҳамда экспортбоп бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилаёпти. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланганидек, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усуллари, энг аввало, маҳаллий ер иқлим шартлоғларига мослашган қишлоқ ҳўжалиги экинларининг янги тур ва навларини жойлаштириш, замонавий агротехнологияларни жорий этиш, ўсимликлар химияси ҳамда экинларни озиклантиришнинг янада такомиллаштириш каби масалаларга асосий эътибор қаратилаётди.

Мамлакатимиз тарихида биринчи мартаба тақрорий экинлар 1 миллион гектардан ортққ майдонга экилиши агар соҳадаги катта ютуқлардан бири бўлди. Чунки шу орқали ички бозорни янада тўлдириб, халқ фаровонлигини мустаҳкамлашга, тупроқ агроэкологияси ва унумдорлигини оширишга эришилмоқда.

Юртбошимизнинг 2017 йил 15 сентябрдаги "2018 йилда қишлоқ ҳўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида"ги қарорида белгиланганидек, ғўза ҳамда бошоқли дон экинлари майдонлари қисқартирилди, 1:1 нисбатга олиб келинди. Яъни ғўза экинларидан умумий майдон 1170,5 минг гектарни, бошоқли дон экинлари майдони эса 1107,1 минг гектарни ташкил этиб, сабзавот, картошка, поллиз ва озуқабоп экинларга эътибор ошди. Чорвачилик, паррандачилик, балчиқчилик ривожига ҳам алоҳида аҳамият қаратилаётди.

Очик тан олишимиз керак, айни вақтда республикамизда ағдар соҳага илгор инновациялар юрди, илм-фан ютуқларини жорий қилиш, юртимиз минтақаларидаги муаммолар ҳамда камчиликларни ўрганиш, шуларга мос равишда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш давр талабидан ортда қолмоқда. Бунини инобатга олган ҳолда, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришида асосий ўринлардан бирини эгаллаган ўсимликларни муҳофазалаш йўналишида "Йўл харитаси"ни шакллантирдик.

Сўнгги йилларда қишлоқ ҳўжалиги комплексида қўлаб ноънавий экин турларининг кириб келиши ва ердан йил давомида

«Йўл харитаси»

мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга хизмат қилади

самарали фойдаланиш, интенсив боғлар, тоқорлар, томорқалар, ўрмончилик, манзарали боғдорчилик, иссиқхона раванқи ҳисобига ўсимликлар химияси янада долзарблик касб этмоқда.

Ўсимликлар химиясидаги энг асосий камчилик соҳада кучли координация ҳамда интеграциянинг сустлиги ҳисобига илм-фаннинг бу борада етишқили қила олмаётганидир. Шу сабабли ушбу вазифа давлатимиз раҳбари томонидан академик фанга юклатилди. Бу борада мамлакатимизда илмий салоҳият, ишланмалар, инновация технологиялар етарли. Лекин уларни амалиётга жорий қилиш ва ижро назорати, Президентимиз таъкидлаганидек, мутлақо талаб даражасида эмас. Шунинг учун мазкур жараёнга Инновацияларни ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда эътибор қаратиш химияси лозим. Бунда ўсимликлар химиясини аниқ йўналишлар бўйича блоklarга бўлиб, республика микёсида босқичма-босқич янги, аниқ координация ва интеграция тизими ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Юртимизнинг ҳар бир вилояти тупроқ-иқлим шартлоғи ҳамда етиштирилидиган асосий қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари бўйича бири-бирдан кескин фарқ қилади. Шуларни инобатга олиб, биринчи навбатда, ҳар бир вилоятда "Ўсимликлар химияси клиникаси", яъни диагноз кўювчи ва давлолчи хизмат марказларини ташкил этиш масаласи давр талаби ҳисобланади. Клиникаларга имтиёзли кредитлар ажратилиши, ҳар бир вилоят, туман, қишлоқ шартлоғидан келиб чиқиб, мутасадди ташкилот ҳамда ҳўкимият назорати остида иш йўлга қўйилиши, айни муддао бўлар эди. Ушбу клиникалар учун Тошкент давлат аграр университети ва бошқа оқилоли ташлим муассасаларида маълум мутахассислар тайёрлаш ҳам кун тартибига қўйилган. Бу борада кенг қўламли ишлар бошлаб юртырилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизга ноёб мева қўчатлари, сабзавот, доривор ўсимликларнинг интенсив навлари олиб кирилмоқда. Уларнинг химияси бўйича тажрибамиз етарли эмаслигини ҳам тан олишимиз керак. Чунки янги навларни етиштириш технологиялари аввалгиларидан анча фарқ қилади. Бироқ бизда катта ижодий мактаб, илмий салоҳият бор. Уларни уйғуналаштириб, мазкур ўсимликларни муҳофаза этишининг мутасадди тизими босқичма-босқич яратилаёпти.

Яна бир муаммо борки, у ҳамда алоҳида тўхталиш лозим. Гап шундаки, ўсимлик химияси учун ҳамма воситалар етарли, лекин уларни ўз вақтида ҳамда исталган шартлоғда қўлаш имконияти мавжуд эмас. Масалан, ёмғир ёққанидан кейин ёки далалар суғуртилганидан сўнг пайкалларнинг қуриши кутилади. Чунки ҳозирча асосий химия техникаси трактор ҳисобланади. Афсуски, дала қуригунича касаллик ва хашаротлар

ланувчи хитойлик олимлар "Уни вегетатив усулда мутлақо кўпайтириб бўлмайди", деб ҳисоблашарди. Улар биздаги тажрибаларни кўриб қаттиқ ҳайратланишди ҳамда ўз фикрларидан қайтаганликларини билдиришди. Ёки маҳаллий лимон навларимиз ҳосилдорлиги ва сифати бўйича Туркия навларидан устунлигини фермерларимиз ўз тажрибаларида аниқ қўриштириб бердилар. Лимон, мандарин, апельсин, ўрмончилик ҳамда манзарали боғдорчилик кўчатчилиги ҳам тахсинга лойиқ инновация технологиялар мавжуд бўлиб, уларни химоялаш тизимида, асосан, биологик метод қўланилмоқда. Бу эса нафақат кўчатларни валюта эвазига четдан келтирмаслик, балки уларни экспортга чиқаришга хизмат қилаёпти.

Замонавий фан ютуқлари тарғиботи ва уни оммалаштиришга ҳам "Йўл харитаси"да алоҳида эътибор берилган. Жумладан, уйғуналашган химиянинг энг илгор услублари ва сўнгги илмий тадқиқотлар натижалари, биологик муҳофазанинг замонавий усуллари, қишлоқ ҳўжалиги зараркундларига қарши энтомофагларни кўпайтириш ҳамда уларни амалиётга татиққ этиш диққат марказимизда бўлади.

Фермерлар тақлиқларини инобатга олган ҳолда, 10 кунлик маляка ошириш, давр талабига мос сифатли ўқитиш курсларини ташкил қилиш бўйича ҳам кенг қўламли тадбирлар амалга оширилди. Бундан ташқари, Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларида инновация технологиялар, халқаро тажрибадан ҳамда илгор фермерлик амалиёти билан бевосита боғланган интерактив ўқитиш тизими йўлга қўйилди. Тааллуқли китоблар, рисоалар, тавсиялар ва қўланмалар ҳамда тарқатма материаллар билан таъминланди.

Ўсимликлар химияси бўйича режалаштирилган "Йўл харитаси" эса мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигининг тизимли равишда ривожланишига мўйян даражада хизмат қилиши, шўбҳасиз.

Ботир СУЛАЙМОНОВ,
Тошкент давлат аграр университети ректори, академик.

Велопатронаж хизмати йўлга қўйилди



ТИББИЁТ

Қуйи Чирчиқ тумани тиббиёт бирлашмасида велопатронаж хизмати йўлга қўйилди. — Мен Гул қишлоғи аҳолисига патронаж хизмати кўрсатаман, — дейди ҳамшира Роҳатой Қодирова. — Велосипед олганим хизматимиз самарадорлигини оширади.

ҚВПларга ажратилган бўлса, 2 таси кўп тармоқли поликлиникаларга берилди.

Айни пайтда туман тиббиёт бирлашмасидаги 81 патронаж ҳамшираси хизматидан 104 минг 248 нафар аҳоли баҳраманд бўлмоқда.

Туман ҳўкимлиги томонидан тақдим этилган 22 велосипеднинг 20 таси

Ширин сўз шифоси

Халқ орасида саломатлик туман бойликка қийсланади. Чунки инсоннинг бахти соғлиғи нечоғли мустаҳкам экани билан чамбарчас боғлиқ. Юртимизда кенгаётган ислохотлар жараёнида соғлиқни сақлаш тизимини замон талаблари даражасига етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани сабаби ҳам шунда.

МАМНУНИЯТ

Биз тиббиёт соҳасида буюк мутафаккирлар бор миллатимиз. Ибн Сино бобомиз қўлаган муолажа усуллари айриларида XXI аср тиббиёти ҳам фойдаланилиб келинаётгани бежиз эмас. "Оққан дарё оқмай қолмас", деганларидек, бутун ҳам ўз касбининг фидойи вақилари, ел дарида дармон бўлаётган юксак малякали шифокорларимиз кўп. Бундан бир неча ой муқаддам Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникаси ортопедия бўлимида даволанишига тўғри келди. Муолажа жараёнида шифокорлар меҳнати қўриб, бу касбининг нақадар қийин, аммо чиндан шарафли эканлигига яна бир қарра амин бўдим.

Кайси бир соҳанинг вақили ўз касбини қамолот даражасида егалласа, албатта адабиётга ҳам қизиқиши катта бўлади, деган фикрданам. Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникаси бош шифокор ўринбосари Баҳриддин Каримбердиев тимсолида бунинг тасдиғини кўрдим. Касалликка ташхисни бекато қўйиши, бор билим ва малякасини халқимиз сийқат-саломатлиги йўлида сафарбар этиб келганини, юксак муамала маданияти — барчаси у киши ўз соҳасининг ҳақиқий маънодаги етук намоянчаси эканига ишорат. Бунинг устига, ҳавас қиларди даражада китобхонлиги, адабиётимизнинг атоқли намояндалари шеърларини ёддан билиши ҳар қанча ҳурмату иззатга лойиқ.

Муолажа асносида ортопедия бўлими мудир Муҳаммад Шорустанов ва шифокор Нуртаева Эгамов билан дилқаш суҳбатлар қурдим. Тиббиёт фанлари доктори илмий даражасига, профессор илмий унвонига эга бу икки олим ортопедия соҳасида арзирли тадқиқотлар яратган. Улар билан мулоқотда бўлган одамнинг кўнгли ўсади, ҳаётга мўҳаббати, эртанги кунга ишончи ортади.

Бундай олижаноб инсонларни биллаштириб турувчи фазилат шундаки, улар соғлиқни сақлаш тизими олдига замон қўётган долзарб вазифаларни теран идрок этишди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига тақдим этган Муҳофазатномасини тинглаб туриб, бутунги кунда чинакам ватанпарвар, халқпарвар кишиларга юклаган масъулият нечоғли катта эканлигини қалбдан ҳис этдик. Давлатимиз раҳбари белгиланган юксак марраларга етиш, олдимизда турган устувор вазифаларни бажариш учун ўзимизда эзгу фазилатларни тарбиялашимиз зарур.

Абдуяни СУЛАЙМОНОВ.

Жамиятнинг маънавий кўзгуси

Инсон камолотида илм ва маърифатнинг ўрни беқиёс. Шу билан бирга, дини динёнат, чин эътиқод соҳиб бўлиш ҳам кишини саодатга етказибди. Истиқлол йилларида эришган энг катта бойлигимиз халқимизнинг тинч ҳамда осуда ҳаётидир. Жамиятимиздаги ўзгаришлар, меҳор-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ҳамда умумбағсарий қадриятларга уйғун яшаш тамойили тобора мустаҳкамланиб бораётгани ҳаммажамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

ИЖТИМОЙ ФИКР

Мамлакатимизда муқаддас ислом динини, улуг аждодларимизнинг бой меросини ўрганиш, тарихий обидларини асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани замирида эзгу мақсадлар муҳассам. Юртимизнинг турли ҳудудларидаги зияратгоҳлар, қадимлар овод қилиниб, бу масканларда қурилиш-таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Бугунги кунда аҳоли турмуш тарзида диннинг ўрни қандай? Одамлар давлат томонидан бу йўналишда яратиб берилаётган шарт-шароитларни тўлиқ ҳис қилаётганми? Шу мазмундаги саволлар билан "Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази юртдошларимиз муносабатини ўрганди.

Социологик сўров, асосан, ислом динига эътиқод қилувчи респондентлар ўртасида ўтказилиб, республикамизнинг барча ҳудудига яшаётганлар фикри чуқур таҳлил қилинди. Сўралган фуқароларнинг 42,4 фоизи эркаклар ва 57,6 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлди.

Давлат томонидан дин соҳасида олиб борилаётган сай-ҳаракатлар ижобий бўлмоқда. Умуман, мамлакат бўйича ушбу қўрсаткич 2017 йилда 90,1 фоизни ташкил қилди.

"Аллоҳга ишонувчилар" деб ҳисоблайди. Шунинг унутмаслик керакки, респондентларнинг ўз эътиқодларига оид берган баҳоси кўпгина мамлакат аҳолисининг дунё қарашини, нўқат назарини аниқлаш учун ҳоли асос бўла олмайдди. Ташхиллар, ҳатто ўзини "энг аввало, мусулмонлар" деб ҳисобловчи (41 фоиз) респондентлар кўпчилиги ҳам турмуш тарзини "Аллоҳга ишонса, аммо ўзини дунёвий кишилар" (40,5 фоиз) сифатида баҳолашини кўрсатди. Катталарининг 32,2 фоизи "Яратгани ўз қалбида" деб билади. Бундай нўқат назар юртдошларимизга хос бўлган ҳикоят билан, яъни ижтимоий ҳаётда диннинг ролини рационал идрок қилаётганлигидан, ўзаро муносабатларда маънавий-ахлоқий мейёрлар қўлаб-қувватланаётганлигидан далилдир.

Билим — бамисоли нуридир. Инсон йўлини у билан ёритади. Билимсизлик эса барча ёмонликларнинг манбаидир. Илм тўғрисида инсон қадри юксалади. Илмий киши ҳодисаларга ҳолис баҳо беради, талабчилар ва улдуворчиликни ўрганади. Тадиқотда шу жиҳатлар инобатга олиниб, аҳолининг ислом дини бўйича билимлари ҳам ўрганилди. Масалан, сўралганларнинг 78,5 фоизи (2016 йилда 77,8 фоиз) фақат "исломнинг айрим талабларини" билдириш эмас. Ва бу борада 8,6 фоиз респондент билимларини "етарли эмас", деб ҳисоблайди.

"Сиз диний мазмундаги китобларни ўқийсизми?" деган саволга респондентларнинг 82,6 фоизи "ўйқ, диний мазмундаги ҳеч қандай китоб ўқимайман", деб жаъоб берган. Фақатгина 17,4 фоиз юртдошларимиз диний мазмунда китоб ўқишларини билдиришган. Респондентларнинг

62 фоизи ўзи яшаётган ҳудуддаги китоб дўконларида диний мазмундаги адабиётларни сотилмаслигини қайд этишгани ҳам бунинг асосий сабабларидан бўлса, ажаб эмас. Респондентларнинг атиги 17 фоизи бундай савдо расталари борлигини қайд этишди.

Яна бир жиҳат. Диний маълумотга эга бўлишни истаган кишилар, одатда, имомхатилар, домлаларнинг маърузалари билан чегараланиб қолишади. Шу нўқат назардан, ислом дини ҳақида маълумот олишда маҳалла масжидлари ва уларнинг имомхатиларини мўйян ўрни эгаллашини кўрсатган респондентлар сони 5,3 фоиз камайиб, 3 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга, диний билимларини янада чуқурлаштириш истади бўлган респондентлар сони қариб 9 фоиз усганлиги кузатилди. Демак, айтиш мумкинки, бутун бу соҳада фаолият юритаётган имомхатиларнинг аҳолига билим беришдаги масъулиятини янада ошириш керак.

Сўров натижалари кўра, "Худого ишонса, да, аммо, умуман олганда, масжидда доимий қатнаша ва барча ибодат амалларини мажбурий адо этишга мойиллик кўрсатмайдиган" респондентлар сони 46,7 фоизни ташкил этди. Бу рақам 2016 йилда 48,6 фоиз эди. Айни пайтда "масжидга умуман қатнамайдиган ва ҳеч қандай ибодат қилмайдиган" респондентлар сонида камайиб (1,3 фоиз) тенденция кузатилди. Айни пайтда "масжидда доимий қатнамайдиган, вақт бўлмаганда, одатда Хайит ёки жума намозларига борадиган" респондентлар сони ўзгармасдан қолмоқда (30,6 фоиз).

Аҳолининг қўнчилиги мамлакатда диндорларнинг диний эҳтиёжларини қондириш

уни яратилган шартлоғларни эътироф этишмоқда. Сўровда қатнашганларнинг 86 фоизи шундай муносабат билдирди.

Динда ибодат, расм-русумлар алоҳида аҳамиятга эга. Шу маънода, ота-оналарни ёки бошқа яқин қариндошлари Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара сингари муқаддас манзиларга зияратга борганини қандай этган респондентлар сони 3 фоиз орди. Яна бир эътиборли жиҳати, иштирокчилар орасида Ҳаж ёки Умрага боришга қизиқиш юқориликча сақланиб қолмоқда.

Аҳолининг қўнчилиги оилани инсоннинг ҳаётий позицияси, жумладан, унинг диний онги ҳамда ҳатти-ҳаракатига катта таъсир қилувчи мўим ижтимоий институт сифатида билади. Респондентларнинг 67,4 фоизи ана шу фикрда бўлди. Уларнинг билдиришича, оилавий тарбия ноўқат қилишлардан тибби туровчи устувор оимил ҳисобланади. Ундан кейин ҳулқ-атвор, ахлоқий меъзонлар (50,6 фоиз), диний тарбия (43,2 фоиз) қайд этилган.

Тадқиқотнинг қўнчилиги, дин оилавий муносабатларга, болалар тарбиясига ҳамда авлодлар ўртасидаги муносабатларга жиддий таъсир кўрсатишда давом этмоқда.

Юртдошларимизнинг дин ҳақида хабардорлигини ошириш манбаи сифатида ОАВ — телевидение, радио ва матбуотнинг таъсири салмоқли бўлиб қолмоқда. Респондентларнинг 85,5 фоиздан ортича телевидениенинг бу борадаги ижобий ролини қайд қилди. 55,2 фоизи радиокўрашларга, 64,1 фоизи эса даврий босма нашрларга нисбатан ана шундай фикрларидир.

Умуман олганда, аҳолининг мусулмон қисми мамлакатдаги бошқа конфессиялар (насонрийлик, яҳудийлик, буддавийлик)

вақилларига нисбатан бағрикенг муносабатда бўлади. Сўров қатнашчиларининг 12,6 фоизи "мусулмон оламида радикал кайфиятдаги кўчалар мавжуд ва бу кўнчилигини тавҳишлантиришда ҳамда ислом динининг мавқеига салбий таъсир кўрсатади", деб билади. Сўралганларнинг 69 фоизи "диний экстремизм ва терроризм Марказий Осиё митгақаси мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон учун энг жиддий муаммо ҳисобланади", деб билади.

Респондентларнинг фикрича, бузғунчилик маъмуридаги интернет манбаларининг салбий таъсири, шунингдек, ишсизлик ва моддий қийинчиликлар ёшларнинг диний-экстремизм оқимлар таъсир остига тушиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Улар, ўз навбатида, бузғунчи диний унсурларни бартаф қилиш бўйича фикр-мулоҳазаларини баён этди. Хусусан, оилавий тарбия, айниқса, таълим муассасаларида ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик тарбиясини мақсадли равишда олиб бориш (62,3 фоиз), маҳалла тузилмалари ишининг самарадорлигини ўзлаштириш (33,4 фоиз), ёшларнинг дам олишлари учун шарт-шароитлар яратиш (40,6 фоиз)ни зарур деб ҳисоблайдилар.

Бундан ташқари, билим олиш ва янгиликлардан хабардор бўлишнинг манбаи сифатида Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг ролини қўнчилиги (24 фоиз), аҳолининг моддий фаровонлигини тизимли равишда юксалтириш (29 фоиз), "жамиятдаги ўтқир муаммоларни очиб кўтариб этиш ва ошқор қилиш, уларни ҳал қилиш йўлиларини излаб топиш" (6 фоиз)ни тақлиф қилдилар.

Хулоса ўрнида айтганда, аҳолининг дин бўйича билимлари даражаси долзарб. Ишончимиз қомилки, бу йўналишда қилинган зарур бўлган ишлар изчил давом эт

